

## ДАВЛАТ ХАРИДЛАРИ ТИЗИМИ: МИЛЛИЙ ВА ХАЛҚАРО ТАЖРИБА

Муаззам Муминова

E-mail: [muazzamtuminova95@gmail.com](mailto:muazzamtuminova95@gmail.com)

**Аннотация:** Мақолада давлат харидлари тизимининг иқтисодий самарадорликка, бозорда рақобат муҳитини шакллантиришга ва ижтимоий эҳтиёжларни қондиришга қаратилган аҳамияти ёритилган. Ўзбекистонда сўнгги йилларда амалга оширилган ислохотлар, жумладан “Давлат харидлари тўғрисида”ги Қонун, Президент фармонлари ва “Ягона харидлар ахборот портали”нинг жорий этилиши таҳлил қилинган. Шунингдек, Жанубий Корея, АҚШ, Европа Иттифоқи, Грузия ва Сингапур каби давлатларнинг илғор тажрибалари ўрганилиб, рақамлаштириш, жамоатчилик назорати, кичик бизнесни қўллаб-қувватлаш ва экологик талабларни ҳисобга олишнинг аҳамияти асослаб берилган. Миллий ва халқаро тажрибани солиштириш асосида давлат харидлари тизимини янада такомиллаштириш йўналишлари таклиф этилган.

**Калит сўзлар:** давлат харидлари, рақобат, шаффофлик, рақамлаштириш, жамоатчилик назорати, кичик бизнес, халқаро тажриба, Ўзбекистон ислохотлари, бюджет

### КИРИШ

Давлат харидлари — давлатнинг ижтимоий, иқтисодий ва стратегик вазифаларини амалга оширишда муҳим восита ҳисобланади. Бюджет маблағларидан самарали фойдаланиш, ижтимоий эҳтиёжларни қондириш, рақобат муҳитини ривожлантириш ва коррупцияга қарши самарали механизмларни жорий этишда харидлар тизимининг ўрни катта.

Ўзбекистонда 2021 йилда қабул қилинган “Давлат харидлари тўғрисида”ги Қонун ва ундан кейинги ислохотлар тизимда муайян ижобий натижалар берган бўлса-да, амалиётда шаффофлик етишмаслиги, рақобатнинг чекланганлиги ва коррупция хавфлари сақланиб қолмоқда [1]. Шу боис халқаро тажрибани ўрганиш ва замонавий тенденцияларни жорий этиш муҳим аҳамият касб этади.

Давлат харидлари бозор иқтисодиётида фақатгина мол ва хизматларни сотиб олиш жараёни эмас, балки иқтисодий сиёсатнинг стратегик воситаси сифатида ҳам намоён бўлади.

У орқали давлат бир вақтнинг ўзида бир нечта муҳим вазифаларни амалга оширади: иқтисодий барқарорликни таъминлайди, тадбиркорлик субъектлари ўртасида соғлом рақобат муҳитини яратади, маҳаллий ишлаб чиқарувчиларни қўллаб-қувватлайди ва инновацияларни рағбатлантиради.

Шунинг учун ҳам давлат харидлари тизими ҳар қандай бозор иқтисодиётининг асосий механизмларидан бири ҳисобланади.

Яъни, аввало харид – бу молия операцияси, лекин иқтисодий мазмунда ижтимоий барқарорлик, бозорни тартибга солиш ва ишлаб чиқаришни рағбатлантириш воситаси ҳамдир.

Шу боис, бозор иқтисодиётида давлат харидларининг ўрнини таҳлил этсак, бунда давлат харидлари бозор иқтисодиётида бир нечта функцияларни бажаради. Жумладан, биринчи навбатда иқтисодий барқарорликни таъминлаш – давлат буюртмалари орқали иқтисодий инқироз пайтида тадбиркорлик ва иш ўринларини қўллаб-қувватлаш назарда тутилади.

Иккинчидан, рақобат муҳитини ривожлантириш – тендер ва электрон аукционлар орқали тадбиркорлик субъектларига тенг имконият яратишда имкон бўлади. Маҳаллий ишлаб чиқарувчиларни қўллаб-қувватлаш – давлат харидларида миллий маҳсулотларга устуворлик берилади. Буни ҳаётда гувоҳи бўлаяпмиз. Бу эса, албатта инновация ва сифатни ошириш – рақобат орқали замонавий ва сифатли маҳсулотларни бозорга чиқаришда асос бўлади. Шу билан бирга махсус соҳада давлат харидлари соҳасидаги ҳуқуқий асослар ва уларнинг аҳамиятини ҳам таҳлил қилиш мақсадга мувофиқдир.

Давлат харидлари соҳасидаги ҳуқуқий муносабатлар Ўзбекистонда қатор норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар билан тартибга солинади. Улар тизимнинг ҳуқуқий базасини белгилаб бериб, харид жараёнидаги қоидалар, мезонлар ва масъулиятни аниқлашга хизмат қилади. Асосий ҳужжатлар қуйидагилардан иборат. Жумладан, 2021 йил 22 апрелда қабул қилинган “Давлат харидлари тўғрисида”ги Қонун [2] мисол бўлади.

Бу қонун давлат харидлари тизимининг ҳуқуқий пойдеворини ташкил қилади. Унда харид жараёнлари, иштирокчиларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари, тендер ва электрон аукционларни ўтказиш тартиблари белгиланган. Қонуннинг аҳамияти шундаки, у бюджет маблағларидан мақсадли ва самарали фойдаланиш, рақобат муҳитини таъминлаш, коррупция хавфларини камайтириш ва барча иштирокчилар учун тенг имконият яратишга қаратилган. Долзарблиги: қонун орқали давлатнинг молиявий ресурсларини бошқаришда шаффофлик таъминланади, ижтимоий эҳтиёжларни қондиришда очиқлик ва ҳисобдорлик юзага келади.

Президентнинг 2022 йил 27 январдаги ПФ–60-сонли Фармони “Давлат харидлари соҳасида ислохотларни чуқурлаштириш ва электрон тизимни кенг жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги мазкур фармон давлат харидларини рақамлаштириш, электрон платформаларни жорий этиш ва уларни халқаро стандартларга мослаштиришни кўзда тутди.

Фармоннинг аҳамияти – тендер жараёнларини автоматлаштириш, ортиқча қоғозбозлик ва инсон омили таъсирини камайтириш, коррупция хавфини пасайтиришдир.

Долзарблиги: рақамлашган харид тизими орқали тадбиркорлар тенг шароитда иштирок этади, давлат буюртмаларига кириш имкониятлари кенгайди, маҳаллий ишлаб чиқарувчилар қўллаб-қувватланади.

Мантиқий давоми сифатида 2023 йилдан фаолият юритаётган “Ягона харидлар ахборот портали” тўғрисидаги қарорларни ҳам ўрганиш жоиз. Ушбу платформа давлат харидлари жараёнини марказлаштириш, ягона ахборот майдонида олиб бориш ва барча маълумотларни жамоатчилик учун очиқ ҳолда тақдим этишга қаратилган. Портал орқали тендер эълонлари, натижалар, шартномалар ва харид жараёнлари ҳақидаги маълумотлар реал вақт режимида эълон қилинади.

Аҳамияти: фуқаролик жамияти ва оммавий ахборот воситалари харид жараёнини назорат қила олади, бу эса давлат идораларининг ҳисобдорлигини кучайтиради. Долзарблиги эса, коррупция хавфини камайтириш, харид жараёнларида иштирок этишни соддалаштириш, тадбиркорлик субъектлари учун тенг имконият яратишда амалий асосдир. Чунки давлат харидларини ҳуқуқий тартибга солиш иқтисодий барқарорликни таъминлашда, бюджет маблағларидан самарали фойдаланишда, ижтимоий эҳтиёжларни қондиришда ва бозор иқтисодиётида рақобат муҳитини шакллантиришда ҳал қилувчи аҳамиятга эга.

Қонун ва фармонлар орқали тенг имконият, шаффофлик ва ҳисобдорлик таъминланиши давлатга ишончни мустаҳкамлайди. Электрон тизимларнинг жорий этилиши, ахборот майдонининг очиқлиги ва рақамлаштириш жараёнлари нафақат иқтисодий самарадорлик, балки демократик бошқарувнинг кучайиши ва коррупцияга қарши самарали кураш учун муҳим восита ҳисобланади.

Хорижий тажрибани қиёсий таҳлил этадиган бўлсак, унда давлат харидлари соҳасида турли давлатлар ўз миллий моделларини ишлаб чиққан бўлиб, уларнинг умумий мақсади – шаффофликни таъминлаш, рақобат муҳитини ривожлантириш ва коррупция хавфини камайтиришдан иборат. Бироқ, ҳар бир давлат бу мақсадга етишда турлича йўл ва механизмлардан фойдаланган. Демак, Жанубий Корея – рақамлаштириш ва тўлиқ автоматлаштириш асосида “KONEPS” тизими орқали харидларнинг 100% онлайн амалга оширилиши давлат харидлари жараёнида инсон омилини деярли йўққа чиқарди.

Натижада ахборотнинг очиқлиги таъминланиб, коррупция даражаси кескин пасайди. Аҳамияти: тўлиқ рақамлаштирилган платформа нафақат шаффофликни, балки тезкорлик ва самарадорликни ҳам таъминлайди. АҚШ – кичик бизнесни қўллаб-қувватлаш соҳасида “Small Business Act” орқали кичик бизнес субъектлари тендерларда устуворликка эга. “SAM.gov” портали орқали барча маълумотлар шаффоф тақдим этилади.

Мазкур ҳолатнинг аҳамияти шундаки, давлат харидлари орқали кичик ва ўрта бизнеснинг иқтисодиётдаги улуши оширилади, инновация ва рақобат кучаяди.

Европа Иттифоқи – шаффофлик ва барқарор ривожланиши учун “TED” ва “eTendering” платформалари орқали харид жараёнлари автоматлаштирилган. “Green Procurement” концепцияси асосида экологик талаблар ва ижтимоий омиллар инобатга олинади. Бу ҳолатнинг аҳамияти эса, давлат харидлари нафақат иқтисодий, балки ижтимоий ва экологик барқарорликни таъминлашда ҳам восита сифатида хизмат қилади. Грузияда жамоатчилик назорати ва очиқлик шароитида “e-Procurement” тизими нафақат давлат органлари, балки фуқаролик жамияти ва ОАВ учун ҳам очиқ бўлиши таъминланган. Жамоатчилик харид жараёнида доимий мониторинг қилиш имкониятига эга. Аҳамияти: давлат харидлари тизими устидан кенг жамоатчилик назорати давлатга ишончни мустаҳкамлайди ва коррупцияни чеклайди.

Сингапурда инновация ва хавфларни бошқариш орқали “GeBIZ” платформаси орқали тендерлар рақобат асосида амалга оширилади. “Smart tendering” алгоритмлари хавфларни олдиндан башорат қилиш ва оптимал қарор қабул қилиш имкониятини беради. Бунинг аҳамияти: хавфларни бошқариш, юқори шаффофлик ва самарадорликни таъминлаш орқали давлат маблағлари тежаллади.

Юқоридаги қиёсий таҳлилдан умумий хулоса шуки, Жанубий Корея тажрибаси рақамлаштириш ва автоматлаштиришнинг самарадорлигини кўрсатса, АҚШ кичик бизнесни қўллаб-қувватлаш орқали иқтисодий диверсификацияга эътибор қаратган, Европа Иттифоқи эса экологик ва ижтимоий омилларни давлат харидларига интеграция қилиш билан фарқланади. Грузияда жамоатчилик назорати механизмлари кучли йўлга қўйилган бўлса, Сингапур “ақлли тендер” технологиялари ва хавфларни бошқариш модели билан алоҳида ажралиб туради.

Демак, хорижий тажрибаларнинг асосий йўналишлари – рақамлаштириш, кичик бизнесни қўллаб-қувватлаш, экологик талабларни инобатга олиш, жамоатчилик назорати ва хавфларни бошқаришдан иборат. Бу жиҳатлар Ўзбекистон давлат харидлари тизимини такомиллаштиришда амалий қўлланилиши мумкин.

Таклиф ва тавсиялар

Ўзбекистонда давлат харидлари тизимини такомиллаштириш учун қуйидаги чора-тадбирлар таклиф этилади:

1. Харид жараёнининг барча босқичларини жамоатчилик назоратига очиқ қилиш.

2. Электрон харид платформасини халқаро стандартлар асосида модернизация қилиш.

3. Кичик ва ўрта бизнес учун тендер талабларини соддалаштириш.

4. Коррупция хавфларини аниқлаш учун мустақил аудит ва мониторинг механизмларини кучайтириш.

5. Халқаро ташкилотлар билан ҳамкорликда малака ошириш дастурларини йўлга қўйиш.

6. “Green procurement” тамойилларини жорий этиш – ижтимоий ва экологик омилларни ҳисобга олиш.

#### Хулоса

Давлат харидлари давлат бюджети самарадорлигини ошириш, аҳолининг ижтимоий эҳтиёжларини қондириш ва бозорда рақобат муҳитини шакллантиришда муҳим аҳамиятга эга. Хорижий давлатлар тажрибаси шундан далолат берадики, давлат харидларида рақамлаштириш, жамоатчилик назорати ва кичик бизнесга кўмак бериш каби йўналишлар энг самарали ҳисобланади.

Ўзбекистонда ҳам охириги йилларда қатор ислохотлар амалга оширилди:

2021 йилда қабул қилинган “Давлат харидлари тўғрисида”ги Қонун давлат харидлари соҳасидаги муносабатларни ҳуқуқий асосда тартибга солди.

Президентнинг 2022 йил 27 январдаги ПФ-60-сонли Фармонида харид жараёнларида шаффофлик ва рақобатни таъминлашга қаратилган устувор вазифалар белгилаб берилди.

2023 йилдан фаолият юритаётган “Ягона харидлар ахборот портали” орқали барча харидлар тўлиқ рақамлаштирилмоқда. Бу кичик бизнес ва маҳаллий тадбиркорлик субъектлари учун тенг имкониятлар яратмоқда.

Давлат харидларида “Green Procurement” (экологик харидлар) принциплари босқичма-босқич жорий этилмоқда, яъни энергия тежамкор ва атроф-муҳитга кам зарар етказадиган маҳсулотларга устуворлик берилаяпти.

2024 йилдан давлат харидларига жамоатчилик ва парламент назорати кучайтирилди, бу эса харид жараёнларида очиқлик ва масъулиятни оширмоқда.

Яқинда қабул қилинган қарорлар асосида ҳудудий ва маҳаллий тадбиркорлар учун квоталар белгиланмоқда, бу иқтисодий ўсиш ва маҳаллий ишлаб чиқаришни қўллаб-қувватлашга хизмат қилади.

Ўзбекистонда ушбу йўналишларни изчил давом эттириш давлатга ишончни мустаҳкамлайди, иқтисодий ривожланишни тезлаштиради ва шаффофликни таъминлайди.

#### АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ:

1. Бахтиярова С.М. Давлат харидлари тизимида шаффофликни таъминлашнинг ҳуқуқий асослари. – Тошкент: ТДЮУ, 2023.

2. Ўзбекистон Республикасининг “Давлат харидлари тўғрисида”ги Қонуни. Қонунчилик маълумотлари миллий базаси, 22.04.2021. [<https://lex.uz/ru/docs/5416063>]

3. Турсунов Б. Тендер тизимида коррупция хавфларини камайтириш: таҳлил ва таклифлар. – Т.: “Адлия”, 2022.
4. OECD. Public Procurement in the Digital Age. – Paris: OECD Publishing, 2021.
5. European Commission. Public Procurement Strategy. – Brussels, 2022.
6. World Bank. Benchmarking Public Procurement. – Washington D.C., 2020.
7. UNDP. Transparency and Accountability in Procurement. – New York, 2021.